

«ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН УСТОЗЛАР ҲАЁТИ, ИЖОДИ ВА МЕТОДИКАСИНИ ЎРГАНИШ – СОҲАНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИДИР» мавзусида илмий семинар



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедраси томонидан 2021 йил 27 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан «ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН УСТОЗЛАР ҲАЁТИ, ИЖОДИ ВА МЕТОДИКАСИНИ ЎРГАНИШ – СОҲАНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИДИР» мавзусида илмий семинар

бўлиб ўтди.



Семинарда институт илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор С.Жумаев, кафедра профессор-ўқитувчилари, пойтахт театрлари режиссёр ва актёрлари ҳамда бир қанча ҳамкор ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.



Илмий семинарда соҳа бўйича кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари, Устоз-шогирд анъаналари, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти ва малака ошириш жараёнлари муҳокама қилинди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида семинар резолюцияси қабул қилинди.

Матбуот котиби